

СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА РЕПОРТАЖНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Юсуфбек Сайдалиев Ахлиддин ўғли

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети,
2-курс спорт журналистикаси магистранти*

Илмий раҳбар: М.Тўхтамирзаев

Аннотация: *Мазкур мақолада спорт журналистикасида репортаж жанрининг аҳамияти таҳлил қилинади. Унда репортаж орқали воқеанинг тезкор, жонли ва таъсирчан тарзда ёритилиши, шунингдек, унинг аудиторияга ахборот етказишдаги муҳим функциялари илмий жиҳатдан асослаб берилади.*

Калит сўзлар: *спорт журналистикаси, репортаж, жанр, ахборот, тезкорлик, таъсирчанлик, медиа, аудитория, ОАВ.*

Коммуникациялар жадал ривожланаётган бугунги даврда, яъни ахборотни етказиш тезлиги унинг бошқа сифат кўрсаткичларидан устун бўлаётган шароитда, репортаж журналистиканинг энг тезкор жанри сифатида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Айнан репортаждаги тезкорлик хусусияти унинг ўзига хослиги ва юқори аҳамиятини белгилаб беради. Ҳаёт суръатининг кескин тезлашуви замонавий оммавий ахборот воситаларидан кенг жамоатчиликни содир бўлаётган воқеалар ҳақида тез ва аниқ ахборот билан таъминлашни талаб этади. Мазкур ҳолат ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, спорт репортажи нафақат ахборот бериш (нарратив) функциясини бажаради, балки журналист томонидан қўлланиладиган лингвистик ва услубий воситалар орқали аудиторияга эмоционал таъсир кўрсатиш имконини ҳам яратади. Спорт инсон фаолиятининг давлат аҳамиятига молик соҳаларидан бири эканлигини инобатга олсак (масалан, мамлакат имиджини шакллантириш, аҳолини соғлом турмуш тарзига жалб этиш, ёшларни ватанпарварлик ғояларида тарбиялаш ва бошқа жиҳатларда), спорт репортажининг аҳамияти янада ортади. Биргина мисол, Тошкентда қуриб, битказилган муҳташам Олимпия шаҳарчасига оид тайёрланган бир қатор маҳаллий репортажлар орқали мамлакат имиджи халқаро миқёсда кенг ёйилгани бор гап. Бунда ОАВ вакилларининг ҳиссаси катта. Машҳур “Euronews.com” веб-сайти юртимиздаги олимпия тизими, жумладан, спортга оид сиёсат ҳақида катта мақоласини эълон қилди. Унда ўзбек спорти довруғи дунёга қандай таралаётгани борасида ҳам фикрлар билдирилган. Шу боис, спорт репортажининг ўзига хос хусусиятларини назарий

ва амалий жиҳатдан ўрганиш бугунги кунда долзарб ва зарурий масалалардан биридир.

Журналистикада репортаж ахборот жанрларининг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланган бўлиб, унинг асосий хусусияти воқеани журналистнинг бевосита иштирокида, реал макон ва вақт доирасида ёритишга қаратилганидир. “Репортаж” атамаси латинча “reportare” сўзидан олинган бўлиб, “етказиш, хабар бериш” маъноларини англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унга қуйидагича таъриф берилган: “воқеа содир бўлган жойнинг ўзидан матбуот, радио, телевидение орқали зудлик билан хабар етказиш; шундай хабарнинг ўзи”. Репортажнинг сифат меъзони бу репортаждан сўнг ўқувчи, тингловчи ёки томошабинда ҳодиса жойида ўзи воқелик гувоҳи бўлганидек ҳиссиёт уйғонишидир.

Спорт журналистикаси тизимида репортаж жанри алоҳида ва устувор ўринни эгаллайди. Бу, аввало, унинг тезкорлиги, воқеликни бевосита акс эттириши ва аудиторияга воқеа-ҳодисани “жонли” тарзда етказиш имконияти билан изоҳланади. Репортаж аудиторияга спорт воқеаларини фақат хабар қилиш билан чекланиб қолмай, балки уларни динамик, ҳиссий ва қизиқарли тарзда намоён этади. Шу жиҳатдан у спорт журналистикасининг энг таъсирчан ва аудиторияга яқин жанрларидан биридир.

Масалан, янгилик жанридан келиб чиқиб, журналист ўз мақоласини қуйидаги тартибда шакллантириши мумкин: “Футбол бўйича 2026 йилги Жаҳон чемпионати саралаш баҳси доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентдаги “Бунёдкор” стадионида қатарлик рақибларини 3:0 ҳисобида мағлуб этди”. Бунда янгилик жанрининг талаблари бажарилган. Аммо репортажда ўша воқелик бутун жараёни билан тўлиқ тасвирланади: ўйиннинг бошланиш паллаларидаги мухлисларнинг кайфияти, баҳс давомидаги ҳар бир хавфли ҳужум, гол урилган пайтдаги стадион муҳити, стадион суҳандонининг овозидаги ҳаяжон ва ҳатто ўйинчиларнинг эмоционал ҳолати ҳам ифодаланади.

“Ўзбекистон 24” телеканали мухбири ушбу учрашувдан қуйидагича репортаж тайёрлаган: “Бу оддий ўйин эмас, ўзбек футболининг катта байрами! Бу тарихий воқеа халқимизни бирлаштирди, қувонтирди. ... 86-дақиқада Элдор Шомуродов гол уриб, стадионни ларзага келтирди. Майдонда ҳақиқий драматик лаҳза юзага келди! Футболчиларнинг юз-кўзидаги фахр туйғусини ҳис қилиш қийин эмас. ... Байрам кечасига айланиб кетган учрашув дронлар шоуси билан яқунланди”. Спорт репортажининг ушбу элементлари орқали томошабин ўзини гўё воқеа ичида ҳис қилгандек, баҳсни стадиондан туриб, тўғридан-тўғри кузатгандек бўлади. Бу эса аудиторияда кучли ҳиссий таъсир уйғотади ва воқеага нисбатан қизиқишни оширади. Шунингдек, репортаж жанрида тил воситаларидан фаол фойдаланиш кузатилади. Журналистлар кўпинча метафоралар, таққослашлар ва образли ифодалар орқали воқеани янада

жонлантирадлар. Тасвирий ифода воситалари спорт воқеасини таъсирчан очиб беришга хизмат қилади.

Замонавий медиа маконда ахборот оқимининг кескин кўпайиши ва рақобатнинг кучайиши тезкор, ишончли ва қизиқарли контентга бўлган талабни оширади. Айнан репортаж жанри бу талабларга энг мос келади. Жонли трансляциялар, онлайн репортажлар ва мультимедиавий форматлар репортажнинг имкониятларини янада кенгайтди. Натижада, спорт журналистикасида репортаж жанри нафақат анъанавий, балки рақамли муҳитда ҳам етакчи жанр сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, спорт репортажи жамиятда спорт маданиятини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва миллий ифтихор туйғусини мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Миллий терма жамоалар ёки спортчиларнинг халқаро мусобақалардаги ютуқлари репортаж орқали кенг ёритилиб, жамоатчиликка етказилади. Бу эса спортнинг ижтимоий аҳамиятини оширади ва унинг оммалашувиغا хизмат қилади.

Нима сабабдан репортаж ҳали ҳам машҳур газеталар саҳифаларида етакчи жанрлардан бири бўлиб қолмоқда? Бу саволга бир неча йил аввал журналистлар қуйидагича жавоб берган эдилар: “Репортаж бошқа жанрлардан тубдан фарқ қилади. Унда ўқувчи ахборотни нафақат рационал (фактлар, рақамлар, далиллар асосида тушуниш), балки ҳиссий жиҳатдан ҳам қабул қилади. Ахборотга қўшилган шахсий позиция эса уни қабул қилувчининг эътиборини янада кучайтиради”. Германиянинг Галле шаҳрида жойлашган минтақавий кундалик газета “Mitteldeutsche Zeitung” мухбирларининг фикрича, репортаж — оммавий ахборот воситаси сифатида газетанинг энг муҳим унсурларидан бири бўлиб, у оддий “қуруқ” хабарга нисбатан ўқувчини муаммо моҳиятига анча чуқурроқ кириб боришига имкон беради.

Илмий тадқиқотларда спорт репортажининг жанр сифатида устунлиги яна бир жиҳат — унинг универсаллиги билан ҳам изоҳланади. Репортаж газета, радио, телевидение ва рақамли платформаларда турли шаклларда қўлланилиши мумкин. Масалан, радиодаги спорт репортажи овоз орқали тасаввур уйғотса, телевидениеда визуал тасвирлар билан бойитилади, интернет журналистикасида эса матн, видео ва графика билан бирлаштирилади. Бу ҳолат репортаж жанрининг спорт журналистикасида доимий талабга эга эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, спорт репортажи коммуникатив вазифани ҳам бажаради. У журналист, спортчи ва аудитория ўртасида ўзига хос мулоқот майдонини яратади. Репортаж орқали мухлислар спорт воқеасига қўшилади, уни муҳокама қилади ва ўз муносабатини шакллантиради. Айниқса, тўғридан-тўғри эфирдаги спорт репортажлари аудиторияни бир вақтнинг ўзида ягона ахборот маконида бирлаштиради. Бу жараён спортнинг ижтимоий аҳамиятини ошириб, уни

оммавий маданиятнинг муҳим қисмига айлантиради. Коммуникатив функция спорт репортажининг жамиятдаги таъсир доирасини кенгайтирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Ушбу жанрнинг яна бир муҳим функционал жиҳати унинг тарбиявий ва мотивацион вазифаси билан боғлиқ. Репортаж орқали спортдаги меҳнат, интизом, сабр-тоқат ва ғалабага интилиш каби қадриятлар тарғиб этилади. Спортчининг машаққатли йўли, қийинчиликларни енгиб ўтиши ва муваффақиятга эришиши ёритилган материаллар аудитория, айниқса ёшлар учун ибрат манбаи бўлиб хизмат қилади. Бундай репортажлар жисмоний фаоллик, соғлом турмуш тарзи ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга ғояларни илгари ифодалайди.

Мухтасар айтганда, воқеаларни жонли, тезкор ва таъсирчан тарзда ёритиш имкониятлари билан спорт репортажларининг журналистикадаги аҳамияти юқори. У жамоатчиликда спортга қизиқишни ошириш ва воқеаларга нисбатан фаол муносабатни шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш|Н-Тартибли/Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: “Ўзбекистон Миллим энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. – 378-б.
2. Исмаилова К. “Репортаж яратамиз”, ўқув кўлланма. Тошкент: “Muhpress” нашриёти, 2022. –5-б.
3. Снятков К. В. Коммуникативно-прагматические характеристики телевизионного спортивного дискурса. Диссертация. Вологда.: 2008. – 25-б.
4. Пром, Н.А. Современный газетный спортивный репортаж: жанрово-стилистический аспект. Диссертация. Волгоград.: 2011. – 22-б.
5. <https://www.euronews.com/2025/09/01/uzbekistans-olympic-leap-celebrating-independence-day-with-new-sporting-heights>.
6. Ахборот 24. “Янги Ўзбекистон футболининг тарихий натижаси”. https://t.me/uzbekistan24_tvnews/252852.